



ЖАМИЯТ

№ 05 (782)
2022 йил
10 февраль,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

ЯРИМ-ЯЛАНФОЧ

-50%

30%

-70%

“МАНИКЕН”ЛАР

ёхуд беҳаё
рекламаларсиз
ривожланиш
бўлмайдими?



— Ҳа, фалончи ўртоғимга севишмни айтсан, котиб кулди. Мендан олдин у билан севишган экан. Роза жаҳлим чиқди. Учрашувга чакириб, “дамини бердим”...

— Ошна, анови ёқмади. Ташлаб кетдим. Бошқасини топдим.

Хар гал олдидан ўтадиганим — дабдабали, ойнаванд кийим дўкон (тўғрироғи “кийим” сўзини инсоф юзасидан ўз ёнимдан ишлатяпман) ларидан қўлини белига тираганча, бир оёғини қаерга қўйишни билмасдан кўтариб турган яrim-яланғоч (бу жумлада ҳам “яrim” сифатининг ярмини ўз ёнимдан қўлладим) “маникен”ларни кўрганимда юқорида айтганим аёл хилқатини “улуғлаш ва ҳимоя қилиш” тўғрисида ўйлаб қоламан.

КЕЧИР БИЗНИ КЕЛАЖАК

ХАЁТИЙ ДАСТУР

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси лойиҳасининг ҳалқ мухокамаси жараёнларида бекободликлар ҳам фаол иштирок этди десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Асосий еттига банддан иборат Тараққиёт стратегиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган “Инсон қадри учун!” тамоили халқимизнинг кўнглига шукуҳ ва умид багишлади.

Лойиха мухокамаси жараёнида кўплаб юртдошларимиз томонидан аниқ таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Натижада, Тараққиёт стратегиясига қарийб 100 та концептуал ҳамда 200 дан ортиқ аниқ характерга эга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилди. Пировардида, еттига банд бўйича жами 100 та аниқ мақсадлар белгилаб олинди.

Эзгулик ва инсонпарварлик тамоилига асосланган “Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” фоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар дав-

лат барпо этишга ҳаракат қилинаётгани барчага манзур бўлмоқда.

Тараққиёт стратегиясида ҳеч бир нарса назардан четда қолмаган. Ушбу хужжатни, шубҳасиз, Янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, маънавий оламини яратишга қаратилган пухта ва мукаммал ишланган ҳаётий дастур десак, асло муболага бўлмайди. Демак, ҳар бири миз Тараққиёт стратегиясида илгари сурилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига маъсъул бўлмоғимиз лозим.

**Муҳиддин ҚЎЗИБОЕВ,
Республика маънавият ва
маърифат маркази Бекобод шаҳар
бўлинмаси раҳбари**

Нажот – таълимда



Давлат Раҳбарининг мактаб таълимини ривожлантириш бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида келгуси 5 йилликда соҳани ривожлантириш, фарзандларимизга замонавий билим ва касб-хунар ўргатиш масаласи энг устувор вазифа сифатида белгиланиб, бу иш билан нафақат ҳалқ таълими тизими ходимлари шуғулланиши, мактаб таълимини ривожлантириш масаласи умумхалқ, умумдавлат иш эканлиги яна бир бор қатъий таъкидланиб, мактабларни қуриш, таъмирлаш ва уларнинг моддий-техник базасини янгилаш ишлари билан бундан буён маҳаллий давлат ҳокимият органлари шуғулланиши белгилаб қўйилди.

Тошкент вилоятида 2022 йилда Инвестиция дастури асосида Республика бюджет маблағлари хисобидан жами 186 миллиард маблағ эвазига, 37 та мактабларда, жумладан, 5 та янги мактаб қуриш, 12 та реконструкция ва 10 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиши

МАКТАБИНГИЗГА КАЧОН БОРДИНГИЗ?

Мазкур маблағ доирасида таъмирланиши режалаштирилган мактабларни танлаб олиш учун Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят молия ва ҳалқ таълими бошқармалари масъуллари ҳамда шаҳар ва туман ҳокими ўринбосарларидан иборат Ишчи гурух тузилган ҳолда 2-4 февраль кунлари барча худудларда ўрганиш ўтказилиб, Ишчи гурух аъзолари томонидан таълим 2 коэффициентдан ортиқ ҳолда олиб борилаётган, мактаб биноси лой-пахса ёки хом ғиштдан қурилган ҳамда спорт зали йўқ мактаблар орасидан энг биринчи навбатда таъмирланиши лозим бўлган 20 та мактаб танлаб олинди.

Вилоятда Республика бюджет маблағлари хисобидан 23 та лой-пахсадан қурилган мактаб филиалларининг биноси янгида қурилиши ва “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида 14 та мактабда реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини олиб бориш режалаштирилган.

бўйича манзилли дастур тасдиқланди. Вилоят ҳокими Зоир Тоироевичнинг топширигига мувофиқ мактаблар таъмири учун маҳаллий бюджет хисобидан 70 миллиард қўшимча маблағ ажратилиши белгиланди.

Мазкур танланган мактабларнинг ҳар бири ва умуман вилоят миқёсида умумтаълим мактабларидаги ҳолат бўйича вилоят ҳокими ҳузурида тақдимот ўтказилиб, таъмирлаш ишларини кисқа фурсатда бошлаш бўйича келишиб олинди.

Бундан ташқари, вилоятда Республика бюджет маблағлари хисобидан 23 та лой-пахсадан қурилган мактаб филиалларининг биноси янгида қурилиши ва “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида 14 та мактабда реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини олиб бориши режалаштирилган.

Тадбиркорлар, йирик корхоналар ва мактабнинг собиқ битирувчилари томонидан ҳам жойларда қурилиш-таъмирлаш ишларига ҳомийлик маблағлари йўналтирилаётгани, ҳақиқатдан ҳам, жамиятимизда мактаб таълимини ривожлантириш том маънода умумдавлат иши, умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётганидан далолатдир.

Бу ишлар, албатта, барчамизни кувонтиради.

Азиз юртдошим, Сиз-чи, ўзингиз таҳсил олган, ҳаётда озими-кўпми эришган ва эришаётган ютуқларингизга тамал тоши қўйилган қадрдон маскан, мактабингизга охирги марта қачон бордингиз, нима ёрдам кўрсатдингиз?

Жавобингиз бугун бўлмаса ҳам эртага ижобий бўлишига ишонализ ва шундай эзгу ташабbusни кутиб қоламиз!

**Азamat КАМАЛОВ,
Тошкент вилояти
ҳалқ таълими бошқармаси
бошлиғи**

Фуқаролик жамияти ижтимоий муносабатларида ижтимоий шериклик бирмунча мураккаб жараёнларни ўзида мужассам этади. Ижтимоий шерикликни турли нуқтаи назарларда ифодалаш мумкин. Тор доирада у фақат меҳнатга оид муносабатларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Кенг маънода эса ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро маҳсус ҳамкорлиги бўлиб, турли соҳаларда, жумладан, меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий дастурларни амалга ошириш, ўзаро манфаатдор ҳамкорликка асосланган ижтимоий-хуқуқий жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда жамоат ташкилотлари иштирокини кенг таъминлашдан иборатdir.

Шунингдек, ижтимоий шериклик ижтимоий жараёнларда давлат билан жамоат ташкилотларининг аниқ шериклик муносабатларини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий ва хуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга асосланган замонавий жараёндир. Жамиятимизда бугун катта ижтимоий ўзгаришлар, ривожланиш ва барқарор тараққиёт жараёни кетмоқда. Инсон манфаатлари учун ўта муҳим бўлган дастур ва чора-тадбирлар амалга оширилаётir. Лекин шундай шароитда ҳам жойларда бирмунча муаммо ва тўсиклар учрайди.

Барқарор тараққиёт йўлига тўғаноқ бўладиган иллатларни енгib ўтиш, уларни бартараф этиш ва олдини олиб бориш жамиятда турли муҳим ижтимоий муносабатларни рўёбга чиқариш, давлат ва жамоатчилик институтлари ўртасида мустаҳкам алоқаларни таъминлаш муҳим бўлиб, бу жараёнда ижтимоий шериклик алоҳида ўрин тутади. Ушбу соҳа жамиятда миллий иқтисодиётнинг ривожланиши, давлат миқёсида ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган турли ижтимоий лойиҳалар, дастур ва чора-тадбирларнинг амалиётга жорий этилиши, фаравонликнинг таъминланиши, жамият хаётида мавжуд бўлган муаммоларни ҳам ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эгалиги билан эътиборга молик.

Ҳокимликлар масъулияти ортмоқда

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Конуннинг 3-модда-сида қуидагича таъриф келтирилган: “Ижтимоий шериклик — давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-хуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг

нинг зиммасига янгидан-янги вазифаларни юкламоқда.

Ижтимоий шериклик механизми

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, ижтимоий шериклик, марказда ҳамда жойларда қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар, давлат ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиша жамоатчилик иштирокининг ташкилий-хуқуқий асослари шакллантирилди. Ижро ҳокими



борасидаги ҳамкорлигидир”.

“Нодавлат нотижорат ташкилоти” тушунчаси бугун юртимиз аҳолисининг кенг қатламига яхши таниш. Ҳозирги кунда фуқаролик жамияти ривожида муҳим ўрин тутадиган мазкур институт ижти-

миятининг вакиллик органлари олдида ҳисобдорлиги тамоили Конституция ҳамда қонунларда мустаҳкамлаб қўйилди. Сиёсий ислоҳотлар билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ҳалқ билан самарали мулоқотга асосланган янги шакли жорий қилинди. Махаллаларда ҳоким ёрдамчилари лавозимлари ташкил этилгани ва бунга ҳудудларда тажрибага эга молия-иқтисодиёт сектор ходимлари тайинланганлиги муаммони манзилли аниқлаш ҳамда ўз вақтида тегишли чоралар қўришни таъминлайди.

моий-иқтисодий ислоҳотлар са-марадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, ННТнинг энг чекка ҳудудлар ҳаётiga ҳам дадил кириб бораётгани, фуқароларнинг турмуш сифатини яхшилашга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларига яқиндан қўмаклашаётгани диккатга сазовор.

Бугун ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки бошқача айтганда, барча бўғиндаги ҳокимликларнинг масъулияти тобора ортмоқда. Бу эса ўз-ўзидан улар-

пайтда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз штат ходимлари, молиялаштириш манбалари ҳамда моддий-техника базасига эга эмас. Натижада, маҳаллий Кенгашлар фаолияти ҳудуд раҳбарлари ва ҳокимият ходимларига боғлик бўлиб қолмоқда. Бу эса улар томонидан ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат ўрнатиш, ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ўз ваколатларидан унумли фойдаланишга салбий таъсир кўрсатади. Кўриниб турибдики,

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқиша фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш тобора дол зарб аҳамият касб этаётир. Бунда ижтимоий шериклик механизмандан унумли фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси, бюджетни режалаштириш, бошрежа сингари долзарб масалаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишга жалб этишнинг мажбурий механизмини аниқ белгилаб олиш зарур.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ҳалқ билан самарали мулоқотга асосланган янги шакли жорий қилинди. Махаллаларда ҳоким ёрдамчилари лавозимлари ташкил этилгани ва бунга ҳудудларда тажрибага эга молия-иқтисодиёт сектор ходимлари тайинланганлиги муаммони манзилли аниқлаш ҳамда ўз вақтида тегишли чоралар қўришни таъминлайди. Худди шу йўналишда айнан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам фаолият кўрсатиши жойлардаги тизимли вазифаларни биргаликда ҳал этиш имконини беради.

Хулоса ўрнида

Демократик жамият шартида ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тармоқ ва ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-хуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини таъминланлаш ҳудудлар кўламида ижтимоий-сиёсий вазиятни янада барқарорлаштириш, хусусан уларнинг моддий шароитларини яхшилаш ва бошқа бир қатор ижтимоий муаммолари ҳал этишда ҳокимият билан ҳамкорликни ташкил этишга қаратилган.

**Сарвар МАМАНОВ,
Ўзбекистон ННТ
миллий ассоциацияси
“Ҳудудий бўлинмалар
ва аъзолар фаолиятини
мувофиқлаштириш”
бўлими бошлиғи**



НАВОЙИННИГ ОНАСИ КИМ БЎЛГАН?

Алишер Навоийнинг ўзи уруг-аймоғи борасида деярли, маълумот қолдирмаган. Фақат тоғалари Мир Саид Кобилий ва Муҳаммад Али Ғарифий, укаси Дарвиши ҳақида “Мажолис”да бироз тўхталади, у ҳам бўлса, тазкира талаби нуқтаи назардан жуда қисқа. Отаси тўғрисида мавзу талафулганда гапиришга мажбур бўлган жойлари бор. Масалан, “Мажолис”да Мир Шоҳий номли шоир жасади Астрободдан ватани Сабзаворга олиб келинган пайтда отаси бу ерда хукумат ишларини бошқариб турганини айтиб ўтади.

Унинг қанча ҳокимлик қилгани ва Алишерлар оиласининг Сабзавордаги ҳаётига доир бошқа маълумот келтирилмаган. “Бадоев ул-бидоя”да “отам бу остоң ҳокбези, онам ҳам бу сарой бўстони канизи”, – деб уларнинг темурийлар хонадони хизматида бўлганларини камтарона таъкидлаб ўтган.

“Вақфия” асарида “бу ҳоксорнинг ота-бобоси Султон Ҳусайн Бойқаронинг обо ва аждоди хизматидаким, ҳар бир салтанат конининг гавҳари ва шужоат бешасининг ғазанфари эрдилар – улуғ маротибқа сазовор ва бийик маносиқ комгор бўлган эрдилар”, – деб ўзининг насл-насабига ишора этган. Аммо негадир бирон-бир асарида ота-онаси ҳақида аниқ маълумот колдирмаган. Ҳатто унинг номини ҳеч қаерда тилга олмайди. Тарихчи Абдураззок Самарқандий “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида шундай ёзди: “... Амир Алишердирким, қадим замонлардан унинг мукаррам боболари ва аждоди олий амирлар қаторидан жой олган эрдилар. Умаршайх мирзо ибн Амир Темур даврида уларнинг ҳаёти лавҳига кўкалдошлиқ бахти эътибор калами билан ёзил юйилган”. Ушбу асар ҳижрий 872 (мил. 1467-1468) – 874 (1964-1470) йиллар орасида ёзил тутгалинган ва ҳижрий 875 (мил. 1470) йили муаллиф уни яна давом эттириб, ўша йилнинг сафар ойида (1470, август) рўй берган воқеаларни ҳам кўшган. Асарнинг навоийшунослик учун икки аҳамиятли жиҳати бор. Биринчидан, у Алишер Навоий номини тарихда илк бор ёзма қайд этган манба ҳисобланади. Шунинг учун, ундаги Навоий ҳаётига алоқадор маълумотлар тарихий факт сифатида муҳим. Маълумотлар қисқа аҳборот тарзда келтирилса ҳам улуғ мутафаккир ҳаётини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Иккинчидан, асар Навоий назорати остида яқунланган. Демак, Навоий ўз ҳақидаги қайдларни кўрган. Маълумотни ниҳоятда қисқа берилишига қараганда, Навоийнинг ўзи шуни маъкул топган бўлиши мумкин. Балки шунинг учун ҳам ўша давр манбаларида, айниқса, Навоийнинг яқин шогирди, муаррих Хондамирнинг барча тарихий асарларида улар деярли, айнан, тақорланиб ортиқча тафсилот билан бойитишга журъат этилмагандир.

Давлатшоҳ Самарқандий ҳам негадир ўз тазкирасида Навоийнинг отаси тўғрисида жуда қисқа тўхталади.

“Навоийнинг отаси Абдулқосим Бобурнинг ишончли қишиси Чифатой улуси улуғларидан эди”, – дейиш билан кифояланади. Айни пайтда у Навоийнинг отаси ҳарбий бўлганини таъкидлаб ўтган.

Тадқиқотлар натижасида, Алишер Навоий даврида яратилган турли жанрларга мансуб асарларнинг бирортасида ҳам улуғ амирнинг отаси ҳақида етарли маълумот келтирилмаганига ишонч ҳосил қилдик. Шуниси таажжубли, Навоий вафотигача яратилган барча асарларда Навоийнинг отаси борасида юкоридағи маълумотларга кўшимча бўладиган факт йўқ. Ҳатто “Равзат ус-сафо” асарида учрамайди. Навоийнинг ўз аждоди борасида қолдирган мавхум маълумотлари ва кўкалдошлиқ манбаларини аниқ изоҳлаб кетмаганини унинг ниҳоятда камтарона йўл тутгани ва кибру ғуруррга берилмагани билан изоҳланар балки.

1501 йили Навоий вафот этади. Шундан кейинги давр манбаларida Навоий ҳақидағи қизиқарли маълумотларни кўриш мумкин. “Ҳабиб ус-сияр”да биринчи марта Навоий отасининг исми тилга олинади. Жумладан, Мирзо Иброҳим томонидан Абу Саъид мирзо ҳузурига элчи юборилганда уларга ҳамроҳлик қилиш Амир Алишернинг отаси Фиёсиддин Кичкинага топширилганлиги айтилади.

Шу ўринда, олимларнинг улуғ амир хислатлари ва фаолиятига бағишиланган Хондамирнинг маҳсус асари — “Макорим ул-ахлоқ” шоир вафотидан сўнг ёзилган деган фикрини яна бир бор чуқур ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Шундай деб хисобланган тақдирда “Ҳабиб ус-сияр”да Навоийнинг отаси ҳақида кўшимча маълумот беришга журъат этган Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да ҳам эркин фикр юритиши мумкин эди. Лекин муаллиф Шоҳруҳ султон вафотидан сўнг Навоийнинг отаси бола-чақаси билан Шероз томонга йўл олганини айта туриб, унинг номини тилга олмайди. Балки “Макорим ул-ахлоқ” Навоий вафотидан аввал ёзила бошлагандир. Шунинг учун ҳам, Хондамир асарда устози белгилаб берган чегаралардан чиқмагандир? Қизиги шундаки, “Равзат ус-сафо”да ҳам Навоий отасининг номи тилга олинмаган. Бу асар Навоийнинг ўз назорати остида ёзилгани манбаларда тасдиқланган. Демак, Навоий онгли равищда ота-онаси ҳақидаги тафсилотларнинг берилишини хоҳламаган кўринади. Садриддин Айний ёзди: “Шоҳруҳ мурзо салтанати давридаги катта амалдор ва донг чикарган лашкарбо-

шилар тарихий асарларда номма-ном қайд этилган. Агар Алишернинг отаси катта амалдорлар жумласидан бўлганда эди, у давр тарихчилари назаридан, хусусан, “Равзат ус-сафо” номли тарихий асарни ёзган Мирхондинг назаридан қолмас эди”.

Фаҳрий Ҳиротийнинг “Латоифнома”сида ёзилади: “Мирнинг таржими холидан хабардор мўйсафид тарихчилар ва тўғри сўзли дунё кўрганлар ўз асарларида шундай келтирадиларким Мирга амирлик мансаби меросийдир. Унинг отаси Амир Кичкина султон Абу Саъиднинг хизматида эди. Гарчи муҳру мансаби бўлмаса ҳамкатта хурматга эга эди. Она томондан бобоси Амир Шайх Абу Саъид Чанг Мирзо Бойқаро хонадонида амир ул-умаро эди. Мир ўн ёшлигидан Бобур мурзо хизматида бўлиб, (султон) уни фарзандидек кўрарди. Мир замон султони (Ҳусайн Бойқаро) билан мактабда ҳамсуҳбат ва ҳамсабоқ эди. Улар қаҷон бошларига баҳт куши қўнса, бир-бирларини унумасликка аҳду паймон боғлашган экан”. Фаҳрийнинг тазкираси Навоий вафотидан сўнг – 1521-1522 йили яратилган. Тазкира муқаддимасидаги ишорага қаранганди, у мазкур маълумотларда кимdir суюнган. Балки Фаҳрий бизгача етиб келмаган қандайдир манбага асослангандир. Бу бизга қоронги.

Бироқ унинг Навоий билан шахсан таниш бўлгани ва мушоарларида қатнашгани унинг маълумотлари ишончли эканига шуҳба түғдирмайди. Шунга қарамай, нега Навоийнинг она томонидан бобоси исмими кўрсатиб, ота томонига эътибор бермагани таажжуланарли. Бу эса Хондамир асарларидаги маълумотлар руҳиятига мантиқан боғланмайди. Гап шундаки, Фаҳрий Абу Саъид Чангни Бойқаро хонадонида амир ул-умаро эди, деб кўрсатар, унинг Навоийга она томондан бобо эканини таъкидлар эканми, Навоий ўзи эътироф этган “ота-отадан етии пуштга дегинча бу рафиъ дудмоннинг бойири бандаси ва бу васиъ остоњининг мавруси туғмаси, яъни бу хонзоданинг хонаводаси ва бу хонаводанинг хоназодаси”, деган мулоҳазага биноан ота томони аждодлари ҳақида ҳам албатта, маълумот бериб ўтиши жоиз эди. Бундай маълумотнинг йўқлиги Навоийнинг ота томондан аждодлари ҳақида аниқ фикр юритиши имконини бермайди.

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор**



«ФОРСИЙ ҚАЛАМ АҲЛИГА РАҲМ КИЛДИ...»

Хар бир миллатнинг ижодкорлари бўлгани ҳолда бир мутафаккири ҳам бўладики, уни миллатнинг 7 ёшидан 70 ёшга қадар барча аъзоси бирдек билиши, донишманднинг буюк меросидан ўзтурмушида фойдаланиши, уни авлоддан авлодга етказиши лозим бўлади. Масалан, инглизлар Шекспирни ёд билади, хиндлар Гандининг ҳар бир айтган гапини шиорга айлантириб олган. Руслар Пушкиндан најот топади, зеро рус адабиётида ҳам биз каби атоқли ижодкорлар кўп.

Нингдек, амалий исботи сифатида ўша даврда тилларнинг қудратини намойиш килувчи “майдон” — хамсачилик анъанасига кўй урди. Ва ўзига қадар яратилган хамсалардан орiginalлиги билан ажralиб турувчи “Хамса”ни илк бор туркий тилда ёзди. Навоийнинг “Хамса”си унга қадар ёзилганлардан бадиий жиҳатдан юксак эканлигини форсийшунос олим Бертельс 1940 йилларда илмий жиҳатдан асослаб беради. Колаверса, Навоийнинг устози — Абдураҳмон Жомий: “Навоий форсий қалам аҳлига раҳм килди, агар у ўз “Хамса”сини форс тилида ёзганда бизга шон-шуҳрат қолмас эди”, деб юксак баҳо беради.

Биз Навоийдан миннатдор бўлиши мажбут қишини керак. У давлат арбоби, шоир, олим сифатида миллат тафаккурини юксалтиришга, уни маданий, манавий, илмий ва маърифий ривожлантиришга

улкан хисса кўшди.

Муаммо шундаки, биз ҳали ҳам Навоийни яхши билмаймиз, у билан ғурурланмаймиз. Шунчаки, ҳар йили февраль ойида эслаб қоламиз. Ачинарлиси, дунё аҳли Навоийнинг буюклигини, унинг теран тафаккури маҳсули хисобланган ноёб асарларини, қўйма афоризмларни Шекспир, Ганди, Румий, Шерозийчалик билмайди. Биз Навоийни дунёга янада кўпроқ танитишмиз керак, унинг фалсафий мисраларидан инсоният фаол фойдаланиши, тан олиши керак.

Бунинг учун, аввало, ўзимиз хафса билан ўрганиб олишимиз, қолаверса, Навоий ижодини фақат классик тарзда эмас, замонавий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда ҳам ўргатишмиз лозим. Бунда асосий эътиборни шоирнинг афоризмга айланган шоҳ сатрларини тарғиб қилиш ва шарҳлашга қара-

тишимиз керак.

Оддий давралардан руబий ва фардларини фикрларимиз исботи учун ишлатиб, секин ғазалларининг даврага мос мавзудагиларини таъсирили айтиб бериб, беинтиёр достонларга ўтиб кетиш керак. Шунда Навоийга ошуфта бўлиш, ҳар қандай вазиятда шоир ижодида фикр олиш учун мурожаат килишга одатланамиз.

Куйида бир ҳикматини таҳлил килиб кўрамиз:

*Ўз вужудингга тафаккур айлагин,
Ҳар не истарсен, ўзундан истагил.*

Бундай ҳикматларнинг магзини чаққан одам борки, дуч келган муаммоларни тезда ҳал кила олади. Навоий ҳақ: инсон қандай натижага эришмоқчи, бирор муаммодан кутулмоқчи, айборни аникламоқчи бўлса, ўзидан бошлаши лозим.

Навоийнинг буюклиги, донишмандлиги шундаки, унинг улкан бадиий меросидан ҳамма ўз излаганини топади — ўқитувчи ҳам, олим ҳам, дехқон ҳам, боғбон ҳам, тадбиркор ҳам, арбоб ҳам.

Гофир ҲАМОРОЕВ



Тождор Бобур



Яратганинг инояти билан Бобур Мирзо авлодлари ила учрашмоқ муддаосида
Хинд сори юзландим. Бу сафар автомобилда эмас, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”
га қарашли тайёрада йулга чиқилди. Дунёниг чинакам мўъжизаси бўлмиш бу
пўлат күш икки соату қирқ минутда Деҳлига — Индира Ганди номидаги халқаро
аэропортга етказиб қўйди.

Аэропортда консулишим Аҳмаджон ака Лукмонов кутиб турган эканлар, омонлашиб, Янги Деҳлининг Висант Вихар мавзеси томон жўнадик. Мана, азим Ҳиндистон! Улуғвор, кўхна диёр! Аммо кўз ўнгимда намоён бўлиб бораётган зиддиятларга тўла ҳаётий манзаралар мен учун янгилик каби туюлмас эди. Сабаби, Покистонни “Тоёта”да беармон кезган чоғларимизда бу хил турмуш тарзини кўравериб дийдам котиб кетган шекилли... Покистондан фарқли ўлароқ, бу ерда кўча-кўйда эринчак кавш қайтариб юрган, бегона учун ориқ, кўримсиз, хиндалар учун эса муқаддас сигирларни учратиш мумкин. Қолган нарсаларнинг барчаси — айни: ўша либослар, ўша таомлар, ўша қашшок гадолар, ўша мусиқий оҳанглар, ўша қорамагиз одамлар... Висант Вихар мавзесининг адогида жойлашган, тепасида мамлакатимизнинг оқ-зангори-яшил байроғи ҳилпираб турган икки ошиёнали, кўркам консулхонамида ҳам сұхбат асосан Бобур ва бобурийлар хусусида борди.

— Мана бу мақолага бир қаранг, — деди Аҳмаджон ака “Hindistan Times” газетасининг шу

кунги сонини кўрсатиб. — Ноябрь ойининг охирида Ҳиндистон парламентига янги сайловлар бўлади. Шу муносабат билан рўзномалар депутатликка номзодлар билан таништироқда. Суратдаги бу аёл Ҳиндистон Миллий Конгресси фирмасининг номзоди экан. Исли-шарифида диккат қилинг-а! Сочларига оқ оралаган, нигоҳлари тетик ва қатъий, нуроний бу аёлнинг исми-шарифи... Тождор Бобур экан! Тасодифми бу ёки унинг ҳам бобурийлар хонадонига даҳли бормикан?.. Кизиги шундаки, депутатликка номзод ўз мақоласида Ҳиндистондаги барча миллатларнинг тинчлиги, турли диний эътиқодларга бирдай хурмат билан ёндашув зарурлиги ҳакида сўз юритиб, ўтган йили мутаассиб кучлар томонидан Аёдха шаҳрида Бобурнинг жоме масжиди вайрон қилинганини қаттиқ қоралабди. Унинг фикрича, жоҳил, ақидапараст бундай кимсаларга эрк берилса, оламнинг етти мўъжизасидан бири бўлмиш Тожмаҳал қасрини ҳам яксон қилишдан тап тортмайдилар. Мақоладаги теран, салмоқли хулосалар ҳам, муаллифнинг исми-шарифи ҳам диккатимизни тортиди. Афсуски, дам

олиш куни бўлгани сабабли газета идораси ишламас экан, Тождор Бобур хоним ҳакида батафсилоқ маълумот олишнинг имкони бўлмади. Бу вазифани Аҳмаджон ака ўз зиммаларига олдилар. Мен эса сафаримнинг бундай хайрли дебоча билан бошланганидан мамнун бўлиб, ўзим учун жой буориб қўйилган беш юлдузи “Ашока” меҳмонхонасига кетдим. Кечқурун жаноб консул қўнғироқ килиб, телефонда Ҳайдаробод билан боғлангани, бобурийзодаларни бўлғуси ташрифимиздан хабардор килиб қўйганликларини билдирилар. Эртага соат ўн бешда, худо хоҳласа, Ҳайдаробод сари парвоз айлаймиз.

1993 йил, 16-17 октябрь.
Ҳайдаробод. “Элита”
меҳмонхонаси.

ДИЙДОР

Ҳайдаробод — Ҳиндистоннинг жанубида жойлашган иирик шаҳарлардан бири, уч миллиондан ортиқ аҳолиси бор, тайёрада икки соатлик йўл экан. Шаҳарга кечга томон етиб келдик.

Энди меҳмонхонага жойлашиб бўлган ҳам эдикки, телефон жиринглаб, ўша бизга таниш маҳаллий “Раҳнамои Деккан” рўзномасининг мухбири ўзини таништириди. Айтишига қараганда, у Тусийлар хонадони орқали бизнинг ташрифимиздан дарак топибди, байзи маълумотларни сўраб-суршистириди. Бу ердаги журналист ҳамкасларимизнинг тезкорлигига қойил қолиши керак: эрталабига шу хабар газетада чиқиб турибди! Бироздан кейин яна қўнғироқ бўлди: жаноб Зиёвиддин Тусий! У киши соғ-омон етиб келганимизни эшитиб мамнуният изҳор айлагач, эрта билан ўз хонадонида муштоқлик ила кутажагини, бизни олиб кетиш учун эса укаси Масиҳиддин Тусийни хузуримизга йўллашини маълум килди. Кечки таомдан сўнг Аҳмаджон ака билан чой ичиб, аллавактга қадар гурунглашиб ўлтириди. Аммо гап кўпку, умр оз, деганларидек, сал ўтмай уйку-хордик пайти бўлиб қолди. Эртасига соат ўнларда баланд бўйли, қорамагиздан келган, сочу кўзлари тимқора қирқ беш ёшлар чамасидаги бир киши бизни йўқлаб келиб ўзини таништириди: Масиҳиддин Тусий, “Ҳиндистондаги мўғуллар оиласи” жамиятининг маданий ишлар бўйича котиби. Ташқарида кўринишидан “Москвич-403”ни эслатдиган “Эмбассадор” — “Элчи” деган машина кутиб турган экан, йўлга равона бўлдик. Ҳиндистоннинг кўчаларида

бу машина жуда кўплаб учрайди, сабабки, у мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилади. Ички бозор эса бу ерда ниҳоятда қаттиқ ҳимоя қилинади. Аҳмаджон ака мезбонимиз билан гоҳ инглиз, гоҳ араб тилида сұхбатлашиб, ора-чора қизгин гурунг мазмунини менга ҳам таржима қилиб боряпти. Тил билмаслигим боис гунг-соқов каби ўлтирар эканман, юрга қайтиб боргач зудлик билан бирор хорижий тилни ўрганаман, деб, ким билсин, неча юзинчи марта қасам ичдим... Ва ниҳоят, мана, орзикӣ кутилган учрашув — “Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи” — Бобур авлодлари даврасидамиз.

Улар шаҳарнинг янги барпо бўлаётган мавзеларидан бирида, чоғроқкина хонадонда истиқомат қилишар экан. Ҳовли эшигига оиласи мунтазир мухтарама онахон Лайло Уммахонининг ҳам беихтиёр кўзлари намланиб, товушлари титраб кетди. Миллий анъанамизга биноан Зиёвиддин акага зардӯзи бекасам тўн, дўппи кийдирдик, беллига белбоғ боғладик ва қаршимизда... қорамагиз, салобатли бир ўзбек пайдо бўлди. Қазисан-картасан, барibir аслинга тортасан, деганлари шудир. Лайло Уммахони хоним — етмиш икки ёшда, фарзандларидан фарқли ўлароқ оқ юзли, адл, тик қоматли, хатти-ҳаракатларидан зодагонлик таровати ёғилиб турган нуроний онахон экан. У зоти мухтарамага чой ичганда юртимизни эслаб юрсинлар, дея ўзбекона нақшлар ила жило берилган пахта гулли чойнак — пиёла ҳадя этдик. Ҳонадон ахлига эса Президентнинг яна бир совғаси — ҳазрати Алишер Навоий сиймоси чекилган ипак гиламча тақдим қилинди. Зоро, Мир Алишер жаноблари Бобур

Соҳиба Лайло Уммахони — жамият расаси, Баҳодиршоҳ — Зафарнинг эвараси; Зиёвиддин Тусий — жамият бош котиби, Лайло Уммахонининг катта ўғли; Масиҳиддин Тусий — Лайло Уммахонининг иккичи ўғли, кизлари, келиллари, набиралари... Президентимиз номидан, бутун ўзбек ҳалқи номидан олис аждодларимизнинг ворисларига маҳсус нома ва қимматбаҳо тухфаларни тортиқ қилди, хонадон ва унинг соҳиблари шаънига эзгутилакларимизни баён этдик. Бу гўзал дакикалар чиндан ҳам беҳад тантанавор ва масъуд онлар эди. Мезбонлар ҳам бепоён ҳаяжон уммони ичра қолган эди.

Самимий дил сўзлари битилган Президент мактуби билан танишар эканлар, жаноб Зиёвиддин Тусийнинг ҳам, мухтарама онахон Лайло Уммахонининг ҳам беихтиёр кўзлари намланиб, товушлари титраб кетди. Миллий анъанамизга биноан Зиёвиддин акага зардӯзи бекасам тўн, дўппи кийдирдик, беллига белбоғ боғладик ва қаршимизда... қорамагиз, салобатли бир ўзбек пайдо бўлди. Қазисан-картасан, деганлари шудир. Лайло Уммахони хоним — етмиш икки ёшда, фарзандларидан фарқли ўлароқ оқ юзли, адл, тик қоматли, хатти-ҳаракатларидан зодагонлик таровати ёғилиб турган нуроний онахон экан. У зоти мухтарамага чой ичганда юртимизни эслаб юрсинлар, дея ўзбекона нақшлар ила жило берилган пахта гулли чойнак — пиёла ҳадя этдик. Ҳонадон ахлига эса Президентнинг яна бир совғаси — ҳазрати Алишер Навоий сиймоси чекилган ипак гиламча тақдим қилинди. Зоро, Мир Алишер жаноблари Бобур

Мирзонинг ҳам ғойиона устози бўлганлигини бу оила аъзолари яхши билар эдилар. Шунингдек, Бобурнинг мамлакатимизда яқинда нашр этилган “Бобурнома”, “Мубайин”нинг бешинчи қисми — “Китоб-ул-ҳаж” асарларини, улуғ бобомиз тасвири туширилган плакат ва кўкрак нишонларини ҳам эсадалик тариқасида тухфа қилдик.

Ҳонадон соҳиблари тўлиб-тўлиқиб сўзлар эдилар. Уларнинг хис-ҳаяжонлари, шодлик ва армонлари поёнсиз эканлиги сезилиб турарди. Ҳассос қалблари даги асрий соғинч туйғуси тътифига қалам ожиз эди, десақ, асло муболаға бўлмас. Учрашув чоғи хона тўридаги Бобур Мирzonинг матога ишланган рангли расмига бир неча бор қараб қўйганимизни сезиб, Зиёвиддин ака изоҳ берди: июль ойида Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция Ҳайдарободда бўлган чоғида тортиқ қилган экан. Мен бош иргаб, бу гаплардан хабардор эканлигини, ўзимнинг ҳам андижонлик бобуршунослар сафида келишимга бир баҳя қолганини айтдим. Экспедициянинг ташрифи маҳаллий матбуотда батафсил ёритилган экан, мезбонлар ўша нашрларни бизга лутфан тақдим этишиди. Сўнгра бир пиёла чой устида сұхбатимиз давом этди. Табиийки, бу хонадоннинг тарихи, тақдирли, бугуни бизни бениҳоя қизиқтирилар эди. Лайло Уммахони ва Зиёвиддин Тусийнинг мароқли ҳикояларини тинглаб, бу авлоднинг кечмиш-кечирмишларидан, уларнинг бошидан ўтган ёргу ва коронги кунлардан озми-кўпми хабардор бўлдик.

Ҳайриддин Султоннинг “Бобурнома” мътирифий романидан парча.

Китоб – муаллифнинг ўқувчи билан сўзлашиш учун битган насрой ва назмий ихтироси. Яқиндагина ижтимоий тармоқда ўқирманлар билан “Нега китоб ўқийсиз?” деган савол-жавоб ўтказилган эди. Эътибор берсак, жавоблар турлича. “Кўнгил учун таскинилик беради”, “Беминнат маслаҳатчи, бизга ҳаётда тўғри қарор қабул қилишни ўргатади”, “инсонни қадрлашни ўрганамиз”, “зериқмаслик учун”, “дам олиш учун” қабилидаги жавоблар берилди.

Аслида, биз китобни нега ўқиймиз? Китоб орқали борлиқни англаймиз, маънавий жиҳатдан улгаямиз, мозийдан хабардор бўламиз ва бугун учун шукроналик хиссини туямиз. Сиз ҳам бир ўзингизга: “Нега китоб мутолаа қиляпман?” деб савол беруб кўринг.

Маълумотларга кўра, дунёда асосий китобхонлар ҳам бугунги кунда ёши 40 дан ошган инсонлар экан. Ёшлар эмас...

Китоб, китоб деймиз-у, мохиятан қандай китоб сотиб олаётганимизни кўпчилигимиз билмаймиз. Устки муқоваси йилтираб, ўзига тортса, номи ёки қолса, дарров оламиз. Ўқиш керак экан деб, “китобхондек” мук тушиб ўқиймизу, тоясига тушуниб-тушунмай тугатамиз. Кейин қайтиб қўлимизга олишимиз даргумон. Шу сабабми, китоблар йиғилди, уюм бўлиб кетади. Китоб сотиб олиш керак, кейин яна ва яна мурожаат эта олишимизга ишонсан. Энг муҳими, у бошқа оила аъзоларингиз, ука-сингилларингиз, фарзандларингиз, китобхон дўстларингиз учун кейинчалик аскатсан.

Бугун қайси китоб дўконига кирманг, сотувда ўзбекнинг ўзлигидан, тарихидан сўзловчи асарлардан кўра инсон психологияси, ҳаётини ўзгартиришга, бойиб кетишига ёрдам берувчи китоблар ва турли таржималар кўп эканлигига гувоҳ бўламиз. Тўғри, қайси китоб маънода бошқа давлатлар адабий тилини, дунёкарашини ўрганишимиз, инсоний муносабатлар ва хос томонларини кўриб чиқишимиз, ўз кўнглимида баҳо беришимиз мумкин. Шунда ҳам фақат талаб даражасидаги жаҳон адабиёти асарларигина бунга кўмакчи бўла олади. Аксарият адабиётлар эса салбий қарашларни шакллантириши, инсоннинг қизиқишилари ни бемаъни томонларга йўналтириб юбориши, ҳатто китобхонлик савиясини пасайтириб юбориши ҳеч гап эмас. Рухияти эзилган инсонлар учун “малҳам” деб тавсия қилинаётган таржима асарлар ва “баҳт ва омад, бойлик,” ҳақидаги китобларнинг кўпроқ сотиб олиниши гувоҳи бўлмоқдамиз. Танлов жараёни инсон тафаккури – китобхон фикри ҳақида сўзлайди. “Маънан етук китобларни ўқи. Акс ҳолда, бир даста қоғоз ҳаётингни заҳарлаши мумкин”. (Марк Твен)

Сотиш, чоп этишни бўйнига олган ташкилот томонидан реклама

қилинган, мақталган китобларга жуда кам мурожаат этаман. Чунки бир неча китобдаёқ асл мақсадни англаб қолганман.

Шу ўринда, савол туғилади: “Нега классик ва шўро давридан шу кунгача яратилган асарлар реклама қилинмайди?” Бугунги адабиётга қараганда анча залворли йўлни босиб ўтган ва ўқувчилари ҳам талай. Янги асарлар рекламасиз ўқилмайдими ёки? Та-

ганимда куйидаги жавобни олдим: “Бугун сиз айтган китоблардан кўра мана бу таржима (турк ва озар тилидан таржима қилинган) ва бойиб кетиш, яхши дўст топиш, стрессдан чиқиш каби адабиётлар – мана бу қаторга терилганлар яхши сотилади. Талаб ҳам кўп. Шунинг учун кўп олиб келамиз”.

Шу ўринда, рекламанинг инсон онгига таъсирининг нақадар кучли эканига яна бир карра ишондим.

Энди эса ўша кўпчилик эътирофига сабаб бўлган асарларга назар ташласак. Бир-бирига яқин, мазмунан ҳам бир ғоя атрофида ёзилган асарлар десак ҳам янгилашмаймиз. Айниқса кўнгли бўш, тез асабийлашадиган, тушкун инсонлар, юрагига яқин олувчи кишилар учун айни муддао. Масалан, озар тилидан таржима қилинган “Қайт-

яхши асари шу экан, деган холосада қоляпмизми?

Ачинарлиси, таржимоннинг таржимага кетган вакти, нашриётларнинг босма учун сарфлаган вақтлари, меҳнат, маблағ қийматга эга эмасдек. Биламизки, турк ва озар адабиёти бу асарлар билан ўлчанмайди. Уларнинг ҳам буюк адабиёти ва тарихи бор. Нега турларнинг ёзувчилари Яшар Камол, Азиз Несин, Нозим Ҳикмат, Орхан Памук асарларини ёки озар адабиётидан Фузулий, Мирзо Фатали Охундов, Рамиз Равшан ва кўплаб ижодкорларининг асарлари керак бўлса янгитдан таржима қилинмайди ёки китоб ҳолида чоп этилмайди?

Таржима соҳаси тарихига назар солсак, XX аср ўзбек ёзувчилари Ойбек, Чўлпон, Ғафур Ғулом, М.Осим бадиий адабиётлар соҳасида салмоқли натижага эришишган. Улар таржима қилган асарлар ҳамон севиб ўқилади. Йирик асарларни сабр ва маҳорат ила ўзбек тилига ўгиришган.

Таржима – турли ҳалқлар ўртасида қарашлар ва муносабатни шакллантиради. Қадимги даврларда бу вазифани “тилмоч”лар бажарганини биламиз. Замонлар оша бу жараён анча такомиллашди, аммо бир оз камчиликлар бордек назаримизда. Бугун таржима соҳасида “таржима мактаби” зарур. Унда қайси китоб муддатда таржимонлар учун маҳорат дарслари ўтилса, бир китоб устида етарли муддат берилса, ёш таржимонлар устоз–шогирд анъаналари асосида фаолият олиб боришса, фойдали бўлар эди.

Ёки факат маърифат ва зиё учун хизмат этивчи давлат ёки хусусий нашриёт ташкил этиш ва бу масканда ўзбек тилида бугун фақат электрон кўринишини топиш мумкин ёки умуман топилмасга айланган нодир асарларни, жаҳоннинг буюк ижодкорларининг насрой ва назмий асарларини нашр этишга мўлжаллаш керак. Худди шу китоблар учун дўкон ташкил этиш янада хайрли бўлар эди. Ахир бугун китоб сотувида жадид адабиётимиз вакилларидан Бехбудий, Заки Валидий, Фитрат, Садриддин Айний ёки XX –XXII аср ижодкорлари Парда Турсун, Миркарим Осим, Миртемир, Ойбек, Одил Ёқубов, Асқад Мухтор, Омон Мухтор, Шукрулло, Назар Эшонқул асарлари ёки жаҳон адабиётидан Чехов ва Лев Толстой хикоялари, Борхес, Фолькнер асарларини жуда кам учратамиз ёки умуман дуч келмаймиз.

Яқиндагина бир нашриёт ходими билан сухбатда бу таржима соҳаси қайси китоб муддатда нашриёт “оёққа туриб олиши” учун кераклигини, яқин орада йирик таржима асарлари ва ўзбек классик адабиёт намуналарига кўл урушлари ҳақида айтилди. Яхши янгилик. Умид қиламиз. Аммо унгача китобхонлар энгил-елли китобларга мослашиб, “худди шунақаси”ни ахтариб колишади.

**Гулнора ШЕРМАТОВА,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти универсиитети талабаси**



лаб ва таклифнинг ортиши учун қилингани? Аввалги асарлар ҳақида рекламасиз ҳам хабар топдиг-у, замонавий асарлардан ижтимоий тармоқда бонг урилмаса, бехабар қоламишми?

Реклама қилинаётган китоблар муқоваси шунчалик ранг-баранг ишланганки, ташки кўриниш ўзига тортади. Асл асарлар ортиқча дабдаба, тарғибот ва ҳашамга муҳтож эмас. Бугунги реклама соҳасида ҳам бирор ишларни топдиг-у, замонавий асарлардан ижтимоий тармоқда бонг урилмаса, бехабар қоламишми?

Яқиндагина китоб сотиб олиш учун дўкон айландим. Кўнгилдаги асарларни топа олмай хуноб бўлдим. Вакт йўқотяпман ахир, вакт. Китоб сотувчи кишидан ўзбек тилида чоп этилган замонавий ва мумтоз ўзбек адабиёти китобларни нега топиб бўлмаслигини сўра-

ганимда уйда бўл”, “Мен, албатта, қайтаман”, “То сени топгунимча”, “Денгиз ҳақида сўзлаб бер менга”, “Мария”, “Насроний атиргули” ва бу қатор узоқ давом эта оладиган, пештахталарни тўлдириб ётган таржима асарлар. Мехнатимиз фақат бирлик сондаги манфаат учун эмас ҳалқ учун хизмат қилшни қачон бошлайди. Нашриётлар пайдар-пай чоп этиб, сиёҳи қуримай сотувга узатаетган китоблар нега мазмунан саёз? Бунда таржимон ёки нашриётларни айбдор қиламизми? Уларни тўхтата олмаймизми? Биз ўқигувчиларнинг фикрлашимиз торайиб бориб, таг маънени англарни топниш шарт бўлмаган, ҳақиқатлардан холи асарларга мурожаат этамиз. Яни ўзимизга ёнгилликни раво кўриб, зарар килаётганимизни англамаймиз.

Яна бир гап. Агар жаҳон дурданалири ёки ўзбек адабиётига оид йирик асарларни тушунмай қолсан, изланиб ўтириб ёпиб кўяшимиз. Юқоридаги асарларга келсан, “нархи ҳам ҳамёнбон” деб рўйиҳа қилишганини эшишиб қоламиз. Кетказилган маблағ эвазига тафаккур ҳазинамиз, қалбимиз бойиб колдими, ё турк ёки озарнинг энгил-елли китобларга мослашиб, “худди шунақаси”ни ахтариб колишади.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

Марказий авария-диспетчерлиги хизмати корхонаси балансидаги д/р 01/439ЕСА бўлган «ГАЗ-3102»; д/р 01/593WFA бўлган «GAZ-31029»; д/р 01/467ТВА бўлган «ВАЗ-21063» русумли автотранспорт воситалари хамда д/р 01DA104 бўлган «SOLAR-130W» русумли экскаватор ушбу ташкилотнинг 2022 йил 19 январдаги 19-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олингандиги маълум килинади.

Гувоҳнома № 005357

КЕЧИР БИЗНИ КЕЛАЖАК

—Ошна, анови ёқмади.
Ташлаб кетдим. Бошқасини топдим.


—Тинчликми?
—Ха, фалончи ўртоғимга севишимни айтсам, қотиб қулди. Мендан олдин у билан севишган экан. Роза жаҳлим чиқди. Учрашувга чакириб, “дамини бердим”...

Хуллас, шунга ўхшаш гурунглар аксарият ёшлар орасида авж оляпти. Бир-бirimизга ҳеч уялмай, юзимиз кизармай мақтаниб юрибмиз. Қайси биримиз кўп қиз билан “севишсак” ботирроқ, қаҳрамонмиз. Ҳозир шу “мода”. Йигитларни кини шўхлик деймиз, йигитчилик деймиз. Қайсидир маънода буни тушунса бўлар. Энди вояга етаётган ёш қизчаларнинг севгисини-чи? Уларни қандай тушуниш мумкин... “Узок-узок”дан эшишишимиз бўйича, қизлар ҳам “йигити” билан мақтанишаркан. Ҳаттоқи, мактаб ўқувчиларининг ичидаги ҳам бу “урф”га айланяпти. Улар севгини қайдан билсин. Кечкурун кўрган сериаларидағи йигит-қизнинг бир-бирини бағрига босишини кўриб, севги шу эканда деб ўйлашиди. Болаларча бир-бирига севги изхор қилиб, ўртада севгича пайдо қилишади. Давоми кинолардагидек...

Нега биз катталар кўриб-била туриб жиммиз. Нега тушунтирумаяпмиз. Тушунтирган билан фойдаси йўқ. Ёшлар тушунмайди деб тўғри айтасиз. Ха, биз лоқайд бўлсан, улар каердан тушунишин...

Бир пайтлар номаҳрамга кўз қирини ташлашга ҳам ор қилинган. Бугун эса одамларни кўз ўнгидаги қўлтиқлашиб юрибмиз. Яна мағрумиз... Бу куннингдан... деган маколлар бўларди бир пайтлар. Яна ким билсин замон шиддат билан ривожланяпти. Балким, каминага ўхшаган “замондан ортда қолганлар” бу ҳолатларни тушунмасмиз.

Ахир, шу қизлар эртага кимнингдир уйига келин бўлиб боришади-ку. Кимдир умид билан наслимни давомчи-



ларини вояга етказади деб, орзуларга берилиб тўй-томошалар қиласиди. Йигитларни ҳам остонасига не-не умидлар билан бир муштипар қадам ранжида айлайди. Аслида, ўхшатмасдан-учратмас дейишади. Лекин акси бўлиб қолсачи. Ҳаммамиз онаси ўпмаган ақлли жуфти-ҳалолни орзу қиласиз. Аммо ўзимиз фирт “ақлсизмизку”. Қайси виждан билан солиҳ ва солиҳани орзу қиласиз. Биз ташлаб кетаётганларни нега ўйламаймиз. Қачонгача лаҳзалик шахват деб, бир-бirimizning келажакимизни бадном қиласиз. Ахир келажак олдида нима деб жавоб берамиз, кўзларга қандай қараймиз. Бизку сувдан курук чикишимиз мумкин. Аммо келажакда туғиладиган фарзандларимиз-чи? Бизнинг пана-панадаги, истироҳат боғларидаги, ҳеч ким топмайдиган овлок гўшалар, Мажнунтоллар таги гувоҳ бўлган “лаззатларимизни” жабрини бегуноҳ болалар тортмасмикан. Тавба килдим, ўзинг асра... Лаззат учун севишиш, миллат ва жамиятга қилинган энг катта хоинликдир...

Биттасини севиб, оила қуриб бахтли бўлиб юрганлар ҳам бисёр орамизда. Аммо бирорни лақиллатиб мақтаниб юрган, аммо йиллар ўтиб катта ҳаёт ўзини “лақиллатиб” кўйганларни ҳам эшитяпмиз.

Ахир бу жуда жиддий масала эмасми? Ўйинчоқдек кўринган нарсанинг туб-тубида миллат тақдири, миллат кони турибди-ку. Тозалаш ўрнига қачонгача булғаймиз? “Севгимизни” деб никоҳсиз, отаси нотайн, аслида бегуноҳу, кимлар учундир “гуноҳкор” бўлиб умид билан бу дунёга келаётган болакайларнинг айби нима? Бизни деб, болалар уйида ота-она меҳрига зор бўлиб ўсаётган, жамиятда ҳамма калака қиласерганидан

ҳаётга улкан нафрат билан улгаяётгандар, юраги тўла зардоблар қанча... Энг алам қиласиди, норасидалар ўз айбларини билишмайди... Айбдорлар эса...

Бир пайтлар ота-боболаримиз ўз ақлу-заковатлари билан дунёни лол қолдиргандиларку! Биз Амир Темур, Ибн-Сино, Навоий, Насафий, Бобур, Термизий, Хоразмий, Беруний, Бухорий, Фарғоний, Замахшарий каби дунё тамаддунида ўчмас из қолдирган кўплаб алломаларни авлодимизку. Уларга муносиб бўляпмизми? Улар севги билан эмас, илм билан, ихтиорлар, қашфиётлари билан мақтаниб ўз сўзларини айтишган эди. Биз эса шахват, енгил-елпи нарсалар деб, ўзимизни ва келажакни жарликка улоқтиряпмиз...

Ҳақиқий севги бўлса яхши, аммо акси бўлса, ҳамма жойни булғайди... Ўзи етмагандек, ҳаммани оиласи, маҳалла-кўй, қишлоқ-овул, шаҳар, жамияти қийнайди... Хуллас, ўзимизни кўлга олмасак, ўёғи чатоқ...

Ёзгандаримни ўқиб туриб истеҳзо билан кулишингиз мумкин. Аввал ўзинг оила қур, фарзандларингни комил қилиб тарбиялаб қўй. Иккитасини академик, иккитасини олимпиада чемпиони қилиб, тарбиялаб қўйда кейин вайсагин деб маломат тошини отишингиз мумкин. Насиб қилиб, Аллоҳ ўнг кўз билан қараса у ҳам бўлар...

Тенгдошим, катта ҳаёт бўсағасидаги азиз ёшлар, ақа-ука, опа-сингиллар илтимос гарбга тақлид қиласиди. Фарбдан ўрганадиган яхши хислатлар ҳам кўпку. Ўшаларни ўрганайлик. Лаҳзалик севги деб, келажакка болта урмайлик. Миллатни юксалтириб, дармон бўлайлик. Қонни бузмайлик, миллатга, жамиятга хиёнат қилиб, хоин бўлиб қолмайлик... Юрт биздан қаҳрамонлик, жасорат кутяпти. Ўткинчи лаззат деб қурбон бўлишни ийғиширийлик. Илтимос... Қачонгача майда-чўйдаларга ўралашиб юрамиз.

Аллақачон бузук онгимизни тозалаш вақти келди...
Зикрилла МАМАТОВ,
ЎзЖОҚУ талабаси



эмасман. Десам ҳам кимнидир ҳайратлантиришим қийин. Чунки ойнаи жаҳонимиздан ҳам кўз очиб юмгунча намойиш этилаверадиган, дастурхон устида бўлса ҳам ё қизни, ё отани ўрнидан туриб нари кетишга мажбурлаётган шармандали рекламалар олдида “кўйлакни кимникидадир қолдириш” деган гапларга киприк қоқмаслигимиз ҳақиқат...

Масала шундаки, шу бир сатр ҳам чикмайдиган гапнинг тагида бутун ислом оламининг аёлига, унинг иффатига хос бўлган бир дунё сир яширин. Эркакларга, эрликнинг – мардликнинг мағзини чақа биладиган эркакларга бир дунё панд-насиҳат бор!

Масала шунда...

Гулранг УБАЕВА



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий асоцацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳир ҳайъати:

Адҳам Бекмуродов
Акмал Сайдов
Актам Ҳайитов
Нарзулло Обломуродов
Адҳам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма раками Г-208
Адади: 1452.

Пайшанба куни чиқади.
Коғоз бичими А-3,
хажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 2006 йил 0010-ракам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:

Муроджон РАҲМАТОВ

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiyat@mail.uz

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

ЯРИМ-ЯЛАНГОЧ “МАНИКЕН”ЛАР

ёхуд беҳаё reklamatlarisiz rivojlaniш бўлмайдими?

Ҳар гал олдидан ўтадиганим — дабдабали, ойнаванд кийим дўкон (тўғрироғи “кийим” сўзини инсоф юзасидан ўз ёнимдан ишлатяпман) ларидан қўлини белига тираганча, бир оёғини қаерга қўйишни билмасдан кўтариб турган ярим-яланғоч (бу жумлада ҳам “ярим” сифатининг ярмини ўз ёнимдан қўлладим) “маникен”ларни қўрганимда, аёл хилқатини “улуғлаш ва химоя қилиш” тўғрисида ўйлаб қоламан.

Жамоатчилик назорати

Бунақа rivojlaniш озигина бўлса-да, ўз қадрини, маслагини билганлар учун аслида хўрлик эканини қачон тўғри англай олами? Шармандалик-ку бу? Нега биз кўз зиносига сабаб бўлаётган бундай ошкора ҳаёсизликларга кўз юмиб яшайверамиз?!

Ахир ўша дўкон чет элники бўлса, юрт бизники-ку? Ер — Она тупроқ бизники-ку, ватандошлар! Маданий, миллий масалалар билан шугулланувчи мансабдорларимиз даргоҳларидаги юшшоқ ўтиргичларига михланиб қолганми? Ёки раҳматли шоир Муҳаммад Юсуф: “Узун

ЖАРАНГДОР

“ХАЁТ ҚҮШИГИ”

*Шоир Шамси Одилнинг “Хаёт қүшиги”
китоби хусусида*

**Каттақўргон Нурободга қўшни
туман, аммо Нурободдан кўра тарихи
қадимийроқ. Боиси Каттақўргон
шахри ва тумани Нурободга
нисбатан илгари пайдо бўлган,
“олдин туғилган”.**

Ҳозирги Нурободтуманинг ҳудудлари ўтган асрнинг 50-йиллари бошигача Каттақўргон туманига қарашли бўлган. Жумладан, бизнинг Жом ва Улус қишлоклари ҳам. Бизнинг болалик лексикамида шаҳар, район, туман сўзларининг пайдо бўлиши ва шакланиши Каттақўргон сўзи билан боғлик. Мен ва мен тенги жомликларнинг туғилганлик гувоҳномамизда туғилган жойи – Каттақўргон деб ёзилган. Оталаримиз, боболаримиз зарур юмушлар билан гоҳ отда, гоҳ эшакда, гоҳ аравада Каттақўргонга бориб келишарди.

Оналаримиз, опаларимиз тўқиган гиламларни Каттақўргон бозорига олиб бориб, сотиб келишарди. Ўқувчилик давримда бир гал ўзим ҳам қўшнимиз билан бирга гилам обориб сотганман. Каттақўргон бозорининг ободлигини, ошхонадаги таомларининг мазалилигини кўп гапиришади. Каттақўргоннинг мойли ҳолвасининг довруғи баланд эди. Шунингдек Жомда очилган илк мактабнинг биринчи ўқитувчиси ҳам каттақўргонлик мулла Худойберди исмли киши бўлган. Демак, Жомда илм-маърифат тарқалишида каттақўргонлик оғайниларнинг таъсири катта.

Каттақўргон азалдан Зарафшон воҳасининг маданий-маърифий маркази, зиё масканларидан бири ҳисобланган. Бу соҳаларда турли даврларда ўнлаб таниқли ижодкорлар яшаган. Каттақўргон адабий мухити шаклланган. Ҳатто атоқли адаб Абдулла Қаҳҳор бир ўринда Каттақўргон адабий мухитини Кўқон адабий жараённига тенглаштирган экан. СамДУ профессори Раҳмонқул Орзивеков домланинг бу мухит таҳлилига доир мақоласини ўқиган эдим.

Бу маскандан чиққан Сўфи Оллоёрдан тортиб Шавқий, Диляфкор, Мирий, Маъдан, Нокис каби мумтоз шоирлар бу ёғи Абдулҳамид Мажидий, Тошпўлат Саъдий, Бурҳон Турсунов, Мамарасул Бобоев асарларининг адабиётимизда ўз ўрни бор. Самариддин Сирожиддинов, Марди Нуриддинов каби шоирлар, Исомиддин Салоҳиддинов, Шуҳрат Сирожиддинов, Дилюром Салоҳий каби олимлар ҳам Каттақўргон

фарзандларидир. Хусусан, ўзим СамДунинг адабиётшунос олими Исомиддин Салоҳиддинов домланинг сабоқларини тинглаганман.

У кишининг аудиторияга қуруқ бўр билан кириб, икки пара дарс давомида талабаларни ром этиши ва ёдакай шеър айтиши ҳамон қулогим остида жаранглайди.

Марҳум шоир Шамси Одил (1931-1992) ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб адабий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган ижодкордир. Шамси Одил фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган, сўнгра Каттақўргон туман ҳалқ таълими бўлимида ишлаб, Жом зонаси мактаблида бўлган.

Асли жомлик бўлган Муҳаммади Турсунов 20 йил Каттақўргон туман ҳалқ маорифини бошқарган. Бу киши жомлик жангчи шоир Бурҳон Турсуновнинг укаси эди. Шу тариқа Шамси Одил Бурҳон Турсунов ижодига қизиқиб қолади ва уни пухта ўрганади, шоирнинг яна бир укаси мактаб директори Шамсиддин Ёкубов билан дўст бўлади. Шоир жомликларнинг қадрдонига айланади. Натижада, шоир ижодида Жом ва жомликлар мавзуи салмоқли ўрин эгаллайди. 2020 йилда Тошкентда “Замин нашр”да шоирнинг “Хаёт қўшиги” шеърий тўплами чоп этилади. Китобга таниқли ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдусаид Кўчимов яхшигина сўнгсўз ёзган.

Кизиги шундаки, шоирнинг фарзанди Қамариддин ота қадрдонларини ўйлаб, жомликлар ўқисин деб ушбу китобдан жомга юборибди. Китоб совға қилиш – саховатли иш. “Хаёт қўшиги” китоби жомдаги 21, 22, 23 24, 44-мактабларнинг кутубхонаси учун ҳар бирига ўнтадан ҳадя этилди. Мактабларда китоб тақдимоти ўтказилди. Ўқувчилар шоир асарларидан ўқидилар, ёд айтдилар. Тадбирларда иштирок этган нуронийлар шоир ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди. Ушбу тадбирларни журналист Абдурасул Сатторов ва яқин дўстининг ўғли Зубайдулла Ёкубов уюштириди, ташкилотчилик қилди. “Хаёт қўшиги”даги қуйидаги сатрларга эътибор беринг:

*Газалимга мавзу бўлган гўзал Жом,
Булоқлари берди менга завқ илҳом.
Ажаб қишлоқ чаманзорга ўхшайди,
Унинг тогларида булбул қишилайди.*

*Кўнглим ўсар, яйрайди эрка дилим,
Таъзимдаман кўксимда икки қўлим.
Огўзал Жом, латофатли ҳур диёр,
Ҳали сенга аталган кўп шеърим бор.*

**Қизиги шундаки, шоирнинг фарзанди
Қамариддин ота қадрдонларини ўйлаб, жомликлар
уюқисин деб ушбу китобдан жомга юборибди.
Китоб совға қилиш – саховатли иш. “Хаёт қўшиги”
китоби жомдаги 21, 22, 23 24, 44-мактабларнинг
кутубхонаси учун ҳар бирига ўнтадан ҳадя
етилди. Мактабларда китоб тақдимоти ўтказилди.
Ўқувчилар шоир асарларидан ўқидилар, ёд
айтдилар. Тадбирларда иштирок этган нуронийлар
шоир ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди.**

“Жангчи шоир уйида” шеъри шоир Бурҳон Турсуновга бағишланган. “Дўстларим” шеърида яна ўқийсиз.

*Ургут тогдан тонгда оидим,
Жом қишилоги томон шоидим.
“Омондара” сувин ичиб –
“Ўртабулоқ”, “Ҳаприн” кечиб,
Ҷўпон-чўлиқ даврасида,
Қаҳрамонлар орасида,
Маним қўшиқ сўзим қолди,
Тоғ багрида изим қолди.
Кучиб олинг, кучиб олинг.*

Хуллас, Жомнинг ҳар бир гўшасида, сўқмоғида шоир Шамси Одилнинг изи бор. Унинг номи, асарлари жомликларнинг қалбида. Шоирнинг “Хаёт қўшиги” эса бой, сермазмун, жўшқин, жарангдордир.

**Қаюм ТУРҒОН,
Халқ таълими аълочиси,
“Мехнат фахрийси”
кўкрак нишони соҳиби**

